

ТОШКЕНТ - ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ УМУМЖАҲОН ПОЙТАХТИ

14:25 / 20.04.2017 6886

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилди.

Бутун Осиё қитъасининг вакили бўлган Тошкент билан бир қаторда араб дунёсидан Фес (Марокаш) ва Триполи (Ливия) шаҳарлари, шунингдек, Африка қитъасидан Сенегал пойтахти — Дакар шаҳарлари ҳам Ислом маданиятининг пойтахтлари, деб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга сазовор бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти мусулмон дунёсида ўзига хослиги, маҳобатли мадраса ва масжидларининг бинолари, минглаб нодир қўлёмаларга бой бўлган кутубхоналари, ислом уйғониши даврининг буюк усталари, аллома ва меъморлари ижодига мансуб намуналари кўз қорачиғидай авайлаб-асралаётган музейлари билан бутун дунёдан келаётган меҳмонларини ҳайратга солади. Тошкентда Имом ал-Бухорий номли Тошкент ислом институти, Кўкалдош номидаги мадраса ва Президент И.Каримов ташаббуси билан барпо этилган Тошкент ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасалари диний уламолар, диншунослар, ислом ҳуқуқи ва манбашунослик, жаҳон иқтисодиёти ва информатика мутахассисларини тайёрлайди. Ўз йўналиши бўйича МДХ ҳудудидаги ягона олий ўқув юрти бўлган Тошкент ислом университетида жуда кўп мароталаб дин ва сиёсат, бағрикенглик ҳамда замонавий дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг долзарб мавзуларига бағишланган халқаро конференциялар, семинар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтган.

Жаҳондаги минглаб шаҳарлар орасидан айнан Тошкент 2007 йилда Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти, деб танланди. Тошкент номзодининг танланишида ISESCO биринчи галда республика раҳбариятининг ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ислом

цивилизацияси ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва кўз қорачиғидай асраш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар эътиборга олинди.

Шунингдек, ISECOнинг бундай тўхтамга келиши Осиё қитъасидаги энг кўҳна шаҳарлардан бири — бой маданиятга эга бўлган Тошкентнинг дунё тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутиши билан изоҳланади.

«Жаҳон» АА.